АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК ШАРҲНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Д.Ҳ.ҚУРОНОВ

Автор статьи на примере стихотворения Чулпана “Қаландар ишқи” (“Любовь дервиша”) рассматривает место и роль историко-биографических комментариев в изучении литературного произведения.

Author of the article considered place and role of historical biographic comments by learning literature work as taking the example of the Chulpon poem “Dervish love”(“Қаландар ишқи”)

Шарҳлаб ўқитиш таълимдаги, жумладан, адабий таълимдаги энг қадимий ва синалган усуллардан биридир. Қадим юнон файласуфлари Афлотуну Арастуларнинг диалог шаклидаги асарларига эътибор берилса, шогирдлар билан жонли суҳбатларнинг муҳокама предметини шарҳлаш асосига қурилганини кўриш мумкин. Шарқ мударрислари эса диний ё дунёвий илмга оид фундаментал характердаги асарни маълум вақт давомида шарҳлаб тушунтирганлар ва шу асосда толибул илмларнинг бу асарлар мазмун-моҳиятини пухта ўзлаштиришларига эришганлар. Дарвоқе, ўтмишдаги олимларнинг у ёки бу асар шарҳига бағишланган китоблари (масалан, Форобийнинг Арастуга шарҳлари)га, аввало, айни шу ўқитиш усулига мос қўлланмалар сифатида қараш тўғри бўлади. Шунга ўхшаш, адабий таълим ҳам, масалан, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофизу Мирзо Бедил каби ижодкорлар асарлари қатида ботин маъноларни, рамзу мажозлар воситасида ифодаланган теран фалсафий, сўфиёна мазмунни очиб беришга – шарҳлашга қаратилган.

Албатта, асрлар давомида шаклланган бу анъана изсиз йўқолгани йўқ, у ҳозирги адабий таълимнинг унсур (инструмент)ларидан бири сифатида ҳамон яшаб келмоқда. Бироқ, бизнингча, ҳозирги адабий таълимда, **биринчидан**, шарҳга етарли қиммат берилмасдан, у кўпроқ “луғат билан ишлаш”, айрим фактларни қайд этиш, ўрганилаётган мумтоз адабиёт намуналаридаги сўфиёна маъноларни фрагментар тарзда очиб беришга интилиш кабилар билан чекланиб қолаётир; **иккинчидан**, янги адабиёт намуналарини ўрганишда шарҳ гўё у қадар зарур эмасдек, “шундоқ ҳам тушунарли-ку” қабилидаги ёндашув кузатилади. Ҳолбуки, шарҳ асардаги образлар тилини мантиқ тилига ўгиришдирки, шу жиҳатдан у мумтоз адабиётни ўқитишда ҳам, янги адабиёт намуналарини ўрганишда ҳам бирдек муҳимдир. Мазкур фикрларимизни, хусусан, янги адабиёт намуналарини ўқитишда тарихий-биографик шарҳнинг аҳамиятини Чўлпоннинг “Қаландар ишқи” ғазали мисолида асослашга ҳаракат қиламиз.

Ғазал 1920 йилда, Чўлпон Шарқ қурултойи муносабати билан Озарбайжон пойтахти Бокуда бўлган пайтда ёзилган бўлиб, ҳақли равишда шеъриятимиздаги ишқий лириканинг гўзал намуналаридан бири саналади. Дарҳақиқат, ғазални ўқиганки шеърхон бу баҳо асосли эканини ич-ичидан эътироф этади. Бироқ, маълумки, шеър “образлар тили”да сўзлайди, образ эса табиатан кўпмаънолилик хусусиятига эгадир. Зеро, образ ижод онларидаги маънавий-руҳий ҳолатни ўзига муҳрлаган ҳолда тамом бошқа маъноларни ифодасига ҳам хизмат қилаверади. Шунақа экан, ғазалнинг туб мазмунини англаш учун шоирнинг уни ёзган пайтдаги руҳий ҳолатини тасаввур қилиш лозим бўладики, бунга тарихий-биографик маълумотлар асосидагина эришиш мумкин.

Чўлпон оила муҳитидаёқ жадид нашрлари билан танишган, жадидчилик ғояларини онгию қалбига муҳрлаб, ўсмир чоғидан миллат тараққийси ва юрт озодлиги дарди билан яшай бошлаган. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Чўлпоннинг ижтимоий фаоллиги бениҳоя ортади. Сабабки, ҳаммаслаклари қатори шоир ҳам юзага келган шароитда юртининг демократик йўл билан озод бўлиш имконияти мавжудлигига чин дилдан ишонади, мухториятчилик ҳаракати умидларини қанотлантиради. Чўлпон Эски шаҳардаги ўзи мудирлик қилиб турган қироатхонада, фаол мухториятчилар билан бирга Туркистоннинг турли шаҳарларига бориб ташвиқот ишларини олиб борди, ёниб ва ёндириб яшади. Мавжуд шароитда Русия империяси таркибидаги туркий халқларнинг мустақиллик йўлида бақамти ҳаракатигина натижа бериши мумкин деб ҳисоблагани боис туркчилик ғояларини ҳаракат дастури деб билди: унинг Кавказ турклари билан алоқа боғлаш учун жўнаган Фарғона ҳайъати таркибида бўлиши, Қўқонда мухторият эълон қилинмасиданоқ Оренбургга жўнашию Бошқирдистон жумҳуриятини мустаҳкамлаш орқали ўз юрти озодлигига кўшиш қилишни ният этгани ҳам шундан далолатдир. Бироқ, таассуфки, тарих ҳукми ўзгача

эди: большевиклар ҳукумати Қўқон мухториятини қонга ботирди, шоирнинг ҳаммаслаклари етакчи мавқе эгаллаган Бошқирдистон ҳукумати қувғин қилинди – осмон қадар умидлари ерпарчин бўлиб, ёниб-елишларидан ҳеч бир натижа чиқмаган Чўлпон 1919 йил бошларида юртига қайтди. Ўйлаймизки, куни-кеча орзулар осмонида парвоз қилиб юрган ёш кўнгилга бунинг нечоғли қаттиқ зарба бўлганини тассаввур қилиш қийин эмаски, "Қаландар ишқи" худди шу вазиятда – шоир руҳиятидаги умид ва умидсизлик курашида кейингисининг қўли баланд бўлиб турган бир руҳий ҳолатда ёзилган.

Муҳаббатнинг саройи кенг экан йўлни йўқотдим-ку
Асрлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку.

Агар юқоридаги биографик маълумотлар контекстида олиб қарасак, Чўлпоннинг шеър ёзилган пайтдаги аҳволи руҳиясини бир сўз билан – "йўлсизлик" деб аташ мумкин бўлади. Худди шу "йўлсизлик", ноаниқлик ҳолати уни ўртайди, ортига ўгирилиб, кечаги кунини мушоҳада қилишга ундайди. Шунинг учун кейинги байтда ўқиймиз:

Карашма денгизин кўрдим на нозлик тўлқини бордур
Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта отдим-ку.

Бу ўринда ўқувчи диққатини "карашма денгизи" бирикмасига қаратиш ва уни яна биографик контекстда талқин қилиш мумкин. Аввало, шеър Бокуда – Ҳазар денгизи соҳилларида яратилганини, худди шу ҳол "карашма денгизи" образининг яралишига асос бўлгани эҳтимолини таъкидлаш лозим. Чўлпоннинг бир қатор шеърлари ("Пўртана", "Халқ")да "денгиз" образидан "кураш", "қудрат" маъноларини ифодаловчи рамзлар сифатида фойдаланилган. Шундан келиб чиқсак, биографик контекстда "карашма денгизи" ёш Чўлпонни ўзига жалб этган кураш майдонини англатади дейишга асос бор. Дарҳақиқат, февраль инқилоби умидларини юксалтиган Чўлпон бутун вужуди билан курашга кирди ("қулочни катта отди"), бироқ ўшанда у "ҳалокат бўлғуси" эҳтимолини хаёлга келтирмаган, энди, умидлари чилпарчин ("ҳалокат") бўлгач, кечаги кунини ўкинч билан мушоҳада этади. Кейинги байтда шоирнинг ўкинчи янада юқори пардага кўтарилади:

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Ушбу байт тарихий-биографик шарҳнинг аҳамияти ҳақида юқорида айтилган гаплар нечоғли асосли эканини яққол кўрсатади. Зеро, уни тарихий-биографик контекстдан ташқарида англаш қийин. Аввало, ўқувчилар эътиборини "баҳосиз пул" бирикмасининг ўзбек тили учун ғализроқ эканлигига қаратиш, "бирикма қандай маънони билдиради?" тарзида савол қўйиш мақсадга мувофиқ. Албатта, ҳозирги ўқувчи "баҳосиз пул" бирикмаси остида қадрсизланган пулни тушуниши табиий ва ўқувчиларнинг жавоби ҳам шунга мос бўлади. Айни шу ўринда ўқитувчи "қадрсизланиш, девальвация" тушунчалари кўпроқ қоғоз пул билан боғлиқлиги, рус истилосига қадар қоғоз пул муомаласи бўлмаган Туркистон халқи учун ушбу тушунчаларнинг янгилигини айтиши керак бўлади. Туркистонда пулнинг қадрсизланиши I жаҳон уруши йилларда бошланган. Лекин февраль инқилобидан сўнг ҳукумат тепасига келган Керенский бошчилигидаги муваққат ҳукумат чиқарган пулнинг қадрсизланиши зарбулмасмал бўлгулик даражада бўлган. Хуллас, шеър ёзилган давр кишиларига шоир "баҳосиз пул" деганида ўша Керенский ҳукумати муомалага киритган ва тезда ўта қадрсизланган пулни назарда тутаётгани аниқ бўлган. Шу маълумотларни бергач, ўқитувчи шоир алоқадорлик асосида чиқарган пули орқали муваққат ҳукуматни назарда тутгани, яъни бу ўринда метонимия асосидаги кўчим мавжудлигини тушунтириши мумкин. Шундан сўнг қисқагина февраль инқилобининг буржуа-демократик инқилоб бўлгани, Керенский ҳукумати мамлакатда демократик ислоҳотларни амалга ошириш шиорлари билан чиққанини эслатиб ўтиш жоиз. Ушбу тарихий маълумотларни баён қилгач, биографик маълумотлар берилади. Жумладан, Чўлпоннинг бошқа жадидлар каби февраль инқилоби ғояларига, хусусан, юзага келган ижтимоий-сиёсий шароитида юртининг тинч йўл билан озодликка эришиши мумкинлигига чин дилдан ишонганини яна таъкидлаб айтиш лозим. Шунинг учун ҳам ёш Чўлпон бутун вужуди билан ижтимоий-сиёсий фаолиятга берилади. Шулардан келиб чиқсак, Чўлпон байтда февраль инқилобига ишониб "у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку" дея изтироб чекаётгани маълум бўлади. Изтиробнинг асоси шуки, отаси уни бу йўлдан қайтарган. Шу ўринда ўқитувчи шоирнинг отаси Сулаймонқул баззоз шоиртабиат, маърифатли ва тараққийпарвар инсон бўлгани, жидидчилик ғояларига хайрихоҳлиги боис 1914 йилда таъсис этилган жадид газетаси – "Садойи Фарғона"нинг Андижондаги вакили бўлиб турганини ҳам эслатиши зарур. Қанчалик илғор фикрли бўлмасин, 1917 йилда ҳаётий тажрибаси бой Сулаймонқул баззоз юрт талотўпли даврга кирганини теран ҳис этиб турган. Табиийки, таҳликали замонда шоирнинг отасини ўғлининг сиёсий фаоллиги ташвишлантирган, у ёлғиз ўғлининг ёнида, хавф-хатардан йироқ бўлишини истайди. Бироқ "карашма денгизи"га ошуфта ўғил отани ташвишга қўйиб, норозилантириб бўлсада, ўз билганидан қолмайди. Яъни миллий

руҳда тарбия топган Чўлпон энди отасини норозилантирганига ўкинади, бу ҳолни “у дунёни баҳосиз пулга сотмоқ” деб билади.

Ғазалнинг навбатдаги байтида шоирнинг айни дамдаги руҳий ҳолати, умидларида алданишдан келган алам-изтироблари янада юқорироқ пардада, мумтоз шеъриятимиздаги образли ифодалар орқали ўзининг ёрқин ифодасини топади:

Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдан ёшни жў айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.

Агар мазкур байт билан аввалги учта байт қиёслаб кўрилса, фикримизча, бир муҳим жиҳатни сезиш қийин эмас: дастлабки учта байтда мумтоз шеъриятга хос образлилик таъсири у қадар сезилмайди, бунисида эса анъанавий образлилик кучли. Сабаби, ушбу байт кейинги байтга, унда анъанавий образлар орқали ифодаланган янги мазмунни англашга кўприк бўлиб хизмат қилади:

Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.

Маълумки, мумтоз шеъриятимизда Ёр – Ҳақни излаб йўлга чиққан солик образи кенг ўрин тутади. Агар биографик контекстдан келиб чиқсак, Чўлпон ушбу анъанавий образга янгича маъно юклаганини кўриш қийин эмас. Дарҳақиқат, юқорида айтдикки, Чўлпон ҳам йигит ёшидан Ёр – Юрт озодлиги учун кураш йўлига кирган, ёрни излаб дунё кезган (шаҳар-қишлоқларга чиқиб ташвиқот қилиши, Кавказга, кейин Оренбургга бориши), “ёрни топмай” бесамар кезишлардан сўнг, шеър ёзилишидан илгарироқ, қайғу-аламлар билан юртига – “кулба”сига қайтган эди. Худди шу кайфият, шоирнинг юртида юзага келган вазиятга ғоявий-ҳиссий муносабати эса ғазал мақтаъсида ўзининг гўзал ифодасини топган:

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Мақтаъда Чўлпон юрагидаги чўнг дардни ҳис қилиш, ҳамдард бўлишга қобил ҳаммаслак дўстларига, умуман, ўзини англай оладиган хос ўқувчига мурожаат этадики, бу ҳам юқоридагича контекст доирасида тушунилади. Яъни, бу ўринда шоирнинг *«муҳаббат осмони»* – юрт озодлиги учун кураш йўлини ёритиб турган юлдузни ерга ботирган *«қуёш»* – октябрь инқилобига муносабати ўз ифодасини топган.

Юқоридагича талқин, албатта, ягона ҳисоблана олмайди. “Қаландар ишқи”ни тарихий-биографик ва қисман миллий адабий анъаналар контекстида тушунишга интилганимиз, моҳиятан, шоир ёзган пайтида ғазалга юклаган мазмунни тушунишга ҳаракатдир. Иккинчи томондан, “Қаландар ишқи” каби рамзий-метафорик ифода йўсинига қурилган ғазаллар ўзида аввалбошдан икки турли талқин имкони билан яралади. Яъни бундай асарларда тасвирланган нарса (тасвир плани)дан бевосита ўсиб чиқувчи маъно ҳам, контекст(лар)да намоён бўлувчи тагмаъно ҳам мустақил, бир-бирига ҳалал бермаган ҳолда яшайверади. Демак, ғазал мазмунининг турлича тушунилиши табиий ва қонуний ҳолдир. Шунақа экан, “Қаландар ишқи” айни юқорида биз талқин қилган мазмунда тушунилиши лозим деган даъводан сақланмоқ керак. Фикримизча, шу ҳолни назарда тутган ҳолда ғазални ўрганишда аввал бевосита мазмуни етказилгани, яъни унинг ўқувчилар билан ишқий мавзудаги асар сифатида муҳокама қилингани мақсадга мувофиқдир. Шундан кейингина ғазални тарихий-биографик контекстда таҳлил ва талқин қилиб берилса, бизнингча, ўқувчиларнинг адабиёт ҳақидаги, бадиий ижод табиати, бадиий асар мазмунининг серқирралиги ҳақидаги тасаввурларини бойитиш имкони юзага келади. Бундай имконлардан самарали фойдаланиш эса адабий таълимдан кўзланувчи мақсадга эришишда ғоят муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш.- Т.: Ёзувчи,1995
2. Каримов Н. Чўлпон.- Т.: Фан,1990
3. Чўлпон. Асарлар. 1-жилд.- Т.,1994

Андижон давлат университети
2011 йил 16 июнда қабул қилинган